


Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

1996 йил ноябр

— ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XOTIN-QIZLAR KUMITASI, BOLALAR JAMFARMASI VA «СОФЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

— Баҳоси эркин нарҳда



● 18 ноябр куни Э. Халилов раислигида Олий Мажлис кенгашининг мажлиси бўлди, унда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва давлат бюджетининг 1997 йилги истиқбол кўрсаткичлари қараб чиқилди.

● 18 ноябр куни Тошкентда иш бошлаган «Узлуксиз таълим ва ўтиш даври»да меҳнат бозорини шакллантириш мавзусидаги Халқаро ҳамкорлик конфе-

ренцияси бозор иқтисодиётига ўти-лаётган ҳозирги шароитда таълим жараёнининг турли босқичларига мансуб билим масканлари ўртаси-даги узвий боғлиқликни сифат жи-ҳатидан янги босқичга кўтариш ма-саласига бағишланди.

Европа Таълим жамғармаси ҳам-да Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташкил этган бу анжу-манда ўнга яқин хорижий мамлакатдан ва-киллар иштирок этди.

● 18 ноябр куни Ўзбекистон Респуб-ликаси Адлия вазирлигида Европада Ха-вфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти келиш-тирув ва ҳакамлик (АРБИТРАЖ) судининг халқаро семинари бўлди. Семинарни таш-кил этишдан кўзланган асосий мақсад келиштирув ва ҳакамлик суди фаолияти

ва унинг тизимларини кенгрок ўрганиш-дан иборатдир.

● Республика фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси-ни тузиш бўйича ташаббускор гуруҳ маж-лиси бўлиб ўтди. Бу жамғарма ногирон-лар ва бошқа нафақадор қариялар тур-муш шароитини, сihat-саломатлигини янада яхшилашни, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда, айниқса, ёшлар тарбия-сида фаол қатнашишларини ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Ташаббускор гуруҳ мажлисида «Нуро-ний» жамғармасини тузиш ташкилий кў-митаси ва унинг таркиби тасдиқланди. Бир қатор вазирликлар, йирик sanoat корхо-налари ва жамоат ташкилотлари янги таш-кил этилган жамғарма муассиси бўлаёп-тилар. Ташкилий кўмита жамғарманинг

таъсис қурултойини ўтказишга қарор қил-ди.

● Мамлакатимиз спорт юлдузларидан бири, таниқли боксчи Артур Григо-рян Германиянинг Гамбург шаҳри-да жаҳон чемпиони унвони учун ўт-казилган жангда америкалик 27 яшар спортчи Марти Якубовскийни мағлуб этди. Даъвогар шу чоққача 98 учра-шув ўтказиб, 96 тасида ғалаб қозон-ган эди. Аммо 12 раунддан иборат бу учрашувда ҳакамлар очко ҳисоби бўйича голибликни Григорянга берди. Ватандошимиз жаҳон чемпио-ни юксак унвонига учинчи бор сазо-вор бўлди.

ЎЗА ва республика матбуоти хабарлари асосида тайёрланди

УШБУ СОНДА:

4—5-БЕТ: БАЛОФАТ БЕКАТИ

АЁЛЛАРНИ АСРАНГ ЭРКАКЛАР

«Америкалик атоқли психолог олим Жемс Добсон ўз изланишларида аёллардаги руҳий сиқилиш ҳолатини юзага келтирувчи асосий омил улардаги ўз-ўзини камситиб ба-ҳолашларида, деб таъкидлайди...»

6-БЕТ: ҚАЛБЛАРГА СИНГИБ КЕТГАН ҲОФИЗ

«... қўшиқ тугагач, кўзларини очиб чуқур хўрсинади-да, тинчини бузган кишига қараб кўрсаткич бармогини пешо-насиға нуқиб:

— Калла ишлайдими, ўзи?! — дейди ранжиб. — Ахир, Фахриддин Умаров қўшиқ айтаяпти-я!»

7-БЕТ:

ТУШЛАР ТАЪБИРИ

(Одамларни, бадан аъзоларини туш кўриш)

«Тушида кўзига сурма тортаётган киши Ҳақ Таоло йу-лида ғайрат-шижоат кўрсатади, эл-юртдан олқиш олади. Сурмани қўлига қўйган одам эса бойлик орттиради...»

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ХЎЖАЛИК, ФИРМА РАҲБАРЛАРИ ВА ОБУНА ТАШКИЛОТЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Оппа ва жамият» тахририяти ва масъу-лияти чекланган «Туркистон ёшлари» жа-мийати 1997 йил учун «Оппа ва жамият» газетаси обунасини намунали ташкил эт-ган ташкилот, корхона, хўжалик, фирма раҳбарлари ва жамоатчи ташкилотчилар учун қуйидаги мукофотларни таъсис эта-ди:


I ўрин — ДЭУ телевизор

II ўрин — ДЭУ чанг ютгич

III ўрин — 10 минг сўм пул мукофоти

ОБУНАНИ УЮШТИРИШГА

ШОШИЛИНГ!



Кузнинг сўнгги лаҳзалари

Ш.ИБРОҲИМОВ олган сурат

КЕЛАЖАК ОЛДИДА ЖАВОБГАРМИЗ

«Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармасининг Навоий вилоят бўлими директори Розия Тулякова билан суҳбат.

— **Розия Раззоқовна, «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармасининг ташкил этилганига анча вақт бўлиб қолди. Фикримизча, ташкилий жараёнлар муддати ўтди. Жамғарманинг мақсад ва вазифалари аниқ. Энди амалда қилинаётган ишлар ҳақида гапириб берсангиз.**

— «Соғлом авлод учун» жамғармасининг ташкил этилиши аввало оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган. Ўзингизга маълум, бундан беш йиллар бурун вилоятимизнинг Учқудуқ ва Томди туманларида болалар ўлими анча кўпайган, аёллар ўртасида камқонлик касаллиги ҳам юқори даражада эди. Мустақилликка эришилгандан кейин Президентимиз барча соҳалар каби ўсиб келаётган авлод тарбиясига катта эътибор бера бошладди. Шу мақсадда «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилди. Вилоятимизда ушбу жамғарманинг бўлимини тузишга тезкорлик билан киришилди. Эндilikда вилоятимизнинг Учқудуқ, Зарафшон, Қизилтепа, Навбахор тумани ва шаҳарларида таянч пунктлари фаолият кўрсатмоқда.

— **Маълумки, ҳозир жамғармалар кўпайган пайти. Сиз етакчилик қилаётган жамғарма бўлими бошқа жамғармалар фаолиятини такрорлаб қўймаётими?**

— Мутлақо. Бизнинг жамғармамиз асосан оилаларнинг ижтимоий шароитини ўрганиш билан бир қаторда уларга тиббий ёрдам кўрсатади. Ҳар ҳафтада бир марта бўлиммиз шифокорлари туман марказлари ва қишлоқларида бўлиб, аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиб келишади. Шу ўринда мен Нурмухаммад Адхамов, Рўзимурод Қурбон, Зулфия Баракаева каби ҳақимлар, лаборант Ўктам Ражабов, социолог Садриддин Туляков, ҳайдовчи Шомирза Рўзиевларнинг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Улар қишнинг изғиринли, ёзнинг жазирама кунларига қарамай, ўз вазифаларини сидқидилдан адо этишяпти.

— **Розия опа, жамғарма бўлимининг хайрия ишлари нималардан иборат бўлмоқда?**

— Асосан биз тиббий масканларга ёрдам кўрсатмоқдамиз. Яқинда болалар касалхонасига 18 минг сўмлик чойшаблар олиб бердик, 5 минг сўмлик дори-дармонларни бепул тарқатдик. Янги ўқув йиллидан бошлаб 12 нафар ўқувчини инглиз тилида бепул ўқишнинг йўлга қўйдик. Бўлимимиз қошидаги футбол клубида иқтидорли болалар шугулланмоқда. Умуман олганда, бўлиммиз давр ўзгаришларидадан орқада қолаётгани йўқ. Биз ҳаммамиз келажаги буюк давлатни барпо этишга масъулимиз. Модомики шундай экан, унинг жавобгарлиги ҳам ҳар биримизнинг зиммасида.

Суҳбатдош: Маҳмуд МАРДИЕВ

Муассисларимиз фаолиятдан

БУХОРОДАН ХАБАРЛАР

● Вилоятда нуфузли ўринлардан бирини эгаллаб турган Жондор туманида хотин-қизлар кўмитасининг ҳам алоҳида ўрни бор. Айни пайтда Марказий Осиёда ягона бўлган аёллар саждагоҳи «Қизбиби» таъмирлаш ишларига туман хотин-қизлар кўмитаси яқиндан ёрдам бермоқда. Ушбу тумanning хотин-қизлар кўмитасига раҳбарлик қилаётган Раъно Раҳимова вилоят хотин-қизлар кўмитасининг яқинда нашр қилинган «Қизбиби» ойлик ахборотномасига муҳаррирлик қилиб, унинг ранг-баранг мавзуларда чиқишини таъминламоқда. Ҳам раҳбар, ҳам ижодкор бу аёлнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Жондор тумани «Истикбол, қадрият, аёл» кўриғида вилоятда биринчи ўринни эгаллади.

● Ромитон туман хотин-қизлар кўмитаси раиси, ҳоким муовини Гүлчехра Аминова ташаббуси билан ташкил этилган «Қирқ қиз» дея номланувчи хотин-қизларнинг кўнгиллилар бригадаси 20 кунда 30 тонна пахта теришти. Туманда 1996 йилнинг ўтган 4 ойи мобайнида 8908 та оила 4 миллион 105 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам берилди. Туман марказий шифохонасида 30 ўринли аёллар саломатлигини тиклаш, 39 ўринли болаларни соғломлаштириш бўлимига мавжуд бўлиб, булар хотин-қизлар кўмитасининг мунтазам назоратида. Яқинда 5 нафар касалланд аёл «Мохиоҳоса» санаторийсига бепул ўлланма билан жўнатилди.

1996 йил январ ойида «Тадбиркор аёл» уюшмасининг туман бўлими ташкил этилиб, унга «Дилдора» фирмасининг директори Гүлсара Абдуллаева раис этиб тайинланди. «Дилафрўз» фермер хўжалигининг бошлиғи Гүлсара Турсунова боғча ва мактабларни суғурт маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда.

● Ромитон туманининг 70 йиллик тўйи муносабати билан ижодкор Махфират Атоеванинг «Ромитон аёли» китоби нашр қилинди.

● Туманда кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун 90 ўринли «Меҳрибонлик боғчаси», 140 ўринли санаторий типидagi болалар боғчаси ишлаб турибди. Туман халқ таълими услубшуноси Гүлчехра Ҳамроеванинг айтишича, кўпгина болалар боғчалари оталик ташкилотларга бириктирилган.

● Ромитон туман хотин-қизлар кўмитаси «Қизбиби» вилоят жамғармасига 50 минг сўм пул ўтказди. Хотин-қизларни ишга жойлаштириш мақсадида уюштирилган ярмаркада 50 нафар хотин-қиз иш ўринларига эга бўлдилар.

● 1 октябрдан бошлаб Пешку туманида «Ситорабон» дея номланувчи хотин-қизлар маркази фаолият кўрсатмоқда. Туман хотин-қизлар кўмитаси раиси, ҳоким муовини Малика Қўморованинг саъй-ҳаракатлари боис тадбиркор аёлларга кенг йўл очиб берилган. Туманда 4 йилдан бери фаолият кўрсатаётган «Ибн Сино» қизлар гуруҳи бу йил «Ўйла, изла, топ» телеўйинининг ғолиби бўлишди.

● 1996 йилнинг ўтган 10 ойи давомида Олот туманида муҳтож оилаларга 4 миллион 510 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам берилди. Қишлоқ шароитида истиқомат қилаётган хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида 27та маъшиий хизмат шохобчалари ишлаб турибди. Айна кунда ушбу туманда 48 нафар тадбиркор аёл фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, яқинда хотин-қизлар маркази ҳам ташкил этилди.

Ўз мухбиримиз

АСОСИЙСИ ҚИЗИҚТИРА ОЛИШДА

Тадбиркор, саранжом, саришта аёл ҳар бир оилага, рўзгорга кутбарака олиб киради. Қўли гул, хунарманд, ишбилармон аёлларни бирлаштириш мақсадида 1995 йилнинг октябр ойида Бухоро вилоятида «Тадбиркор аёл» уюшмаси ташкил қилинди.

Бугунги кунга келиб уюшманинг фаолияти кенгайиб, туманларда бўлимлари иш юрита бошладди. 462 нафар деҳқон-фермер, 4668 нафар яқка тартибда ишлаётган тадбиркор аёлларимиз жамият равақи учун фидойилик қилишмоқда.

«Корпус милосердия», «Евразия», «Конрад Аденауэр» каби халқаро нуфузли жамғармалар билан, шунингдек, Москвадаги «Сопричастность» хайрия жамғармаси,

Қозоғистоннинг «Марказий Осиё» уюшмаси, Қирғизистоннинг «Уку» халқаро жамғармаси, «Интербилим» маркази, Тожикистоннинг «Аёл ва жамият» уюшмаси, Туркменистоннинг «Ашқобод» экология клуби билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Вилоятдаги «Саломатлик» поликлиникасига «Корпус милосердия» жамғармаси томонидан 10 минг АҚШ доллари берилди. «Евразия» жамғармасидан эса 6741 АҚШ доллари миқдорида ёрдам олди. Вилоят бизнес фонди уюшмамизга 12 миллион сўм пул ажратди.

Уч нафар аёл уюшмамиз томонидан Англияга жўнатилиб, тадбиркорлик сир-асрорларини ўрганиб келишди. Францияда ўтказилган кўргазмада зардўз аёлларимиз қатнашишди.

Вилоят халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда 3та мактабда бизнес синфлар очдик. Тест асосида сараланган 90 нафар қобилиятли болалар бу синфларда таҳсил олишмоқда. Бизнес синфлардаги аълочи ўқувчиларга стипендия ташкил қилиш ниятимиз бор.

Уюшмада «Ишбилармон дугона» клуби очилган. Жойларда ана шу клубнинг

ийгилишлари бўлиб ўтмоқда.

Ҳамрогул Гуломова етакчилик қилаётган «Алишер-94» оилавий ишлаб чиқариш кичик корхонасининг зардўзлик, патдўзлик маҳсулотларига Тошкент, Сурхондарё, Хоразм, Қорақалпоғистондан талабгорлар бир талай. Шофирконлик Тўйибий Омонова «Феруз» деҳқон хўжалигини ташкил қилиб, олма, ўрик етиштирмоқда. Ҳозирда у «Корпус милосердия» жамғармаси билан ҳамкорликда Америкадан трактор олишга ҳаракат қилаяпти. Яна бир ишбилармон аёлимиз Мунаввар Фармонова «Абдор» фирмасини ташкил қилиб, ёш болаларга эски ёзув, миниятура ва рассомлик сир-асрорларини, шунингдек, зардўзлик, этик, чопон, дўппи, камар тиқиш каби нафис санъат турларини ўргатиб келмоқда. «Нозимабегим» фирмасининг соҳибаси Нозимахон Ҳасанованинг тикаётган миллий либослари ҳатто «Конрад Аденауэр» жамғармаси вакилининг ҳам ҳавасини келтирди.

Тадбиркор, ишбилармон аёлларимиз беҳисоб. Асосийси, аёлларимизга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиб, бу фаолият билан уларни қизиқтира олишда.

Дилбар АҲМЕДОВА,
«Тадбиркор аёл»
уюшмасининг Бухоро вилоят
кўмитаси раиси

Оламда гап кўп

МАЪНАВИЯТНИ... ЕБ ҚЎЙИШДИ

Бомбейлик гурулардан бири ўзининг маънавий поклигини исботлаш учун 100 кун давомида бенгал йўлбарслари билан бир қафасда ўтирмоқчи эди. Афсуски, йўлбарслар маънавий покликдан кўра, жисмоний тўқлиқни афзал кўришар экан. Улар гуруни дарров тилка-пора қилиб ташлашди.

ЖОЗИБАЛИ РАНГЛАРДА

Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг «Ҳамар» халқаро алоқалар марказида республикамиздаги таниқли рассомлар асарларининг анъанавий кўргазмаси очилди. Юрий Стрелников (яқинда вафот этди), Ортикали Қозоқов, Владимир Ким, Зайнутдин Фахрутдиновларнинг тасвирий санъатнинг турли қирраларини ўзида акс эттирган асарларида ифода-ланган табиат гўзаллиги, ижтимоий ҳаёт, инсон гўзаллиги, Соҳибқирон Амир Темур ва Мирзо Улуғбек сиймоларини жозибали рангларда кўришингиз мумкин. Алоҳида таҳсинга сазовор жиҳати кўргазмага қўйилган асарларнинг аксариятида умуминсоний қадриятларни улугловчи тасвирларнинг акс эттирилганлигидир.

Кўргазмадан ўрин олган асарлар муаллифларнинг маънавиятимизга қўшган ҳиссасидан, тасвирий санъатимизнинг жаҳонга юз тутаётганлигидан дарак беради.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ



Абдул Фани Жума олган сурат

Закои КҲНРАПА

ПАЙҒАМБАРИМИЗ ВА АШАРАИ МУБАШШАРА

Пайғамбаримизнинг Каъбага ҳакамлик қилишлари

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Ҳали пайғамбарлик даври бошланмаган, Расули Акрамга илоҳий ваҳий келмаган эди. Қурайш қабиласи Маккада Каъбани таъмирлаш иши масаласида ўзаро келишолмай қолди. Катта жанжал чиқишига оз қолди. Вазият оғирлашган бир пайтда Расули Акрам кўпчилиكنинг илтимос ва истагига кўра ҳакамлик (қозилик) вазифасини қабул қилди. Қисқа муддатда тadbирли иш олиб боришлари натижасида қурайшийлар орасидаги осейишталик тикланди ва Расули Акрам ҳамманинг ҳурматиға сазовор бўлди.

Каъба ҳакамлиги даврида пайғамбаримизнинг ёшлари ҳақида ихтилофлар мавжуд. Ибн Исҳоқнинг ёзишича, Каъбага ҳакам бўлиб тайинланганларида Расули Акрам ўттиз беш ёшда бўлганлар. Шу нуқтаи назардан қаралса, Каъба Расулulloҳнинг пайғамбарлик давридан беш йил олдин қурайшийлар томонидан таъмир этилган бўлади.

Буюк Каъба турли сабабларга кўра харобага айланган, таъмирға муҳтож эди. Қурайшийлар Каъба ибодатгоҳини бузишган, уни қайтадан мустаҳкамроқ қилиб тиклашмоқчи эдилар. Ионалар тўпланди.

Тошлар олиб келинди. Барча керакли нарсалар тахт қилинди; усталар чақирилди. Маккадаги барча хонадон бу катта ҳашарга қўшилди. Ҳар бир оила имкони доирасида ёрдам берди. Расули Акрам қурайшийлар билан бирга ишладилар; тош ташидилар. Имоми Бухорий ҳатто муборак елкаларининг араланганлиги ҳақида маълумот берган.

Олдин деворлар йиқитилди. Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом қўйган тамал ҳам бузилиб, бино қайтадан тикланди. Фақат Ҳажарул Асвадни — қора тошни ўз жойига қўйишда катта муаммо чиқди. Қурайшнинг ҳар қайси уруғи бу тошни ўзи қўйиш

ға ҳавасманд эди. Ихтилоф кучайиб, жанжалга айланди. Ўртада тўрт кун қаттиқ тортишув кетди. Қабиалар, оилалар ўртасида энг тўқилишига оз қолди. Қурайшнинг энг кекса оқсоқоли Абу Ҳузайфа ибн Муғййра ораға кирди ва шундай таклиф киритди:

— Жанжални бас қилайлик. Яхшиси, Ҳарам эшигиндан биринчи бўлиб кирган кишини ҳакам қилиб сайлайлик-да, унинг айтганига рози бўлайлик!

Ҳамма бу таклифни қабул қилди. Бир пайт Ҳарам эшигиндан ҳамма таниган Муҳаммад-ул Амийн кириб келди. Бу тасодифдан барча хурсанд бўлиб кетди.

Расули Акрам устларидан ридоларини ечдилар. Ҳажарул Асвадни ридонинг ўртасига қўйдилар. Ридонинг гирдини Қурайшнинг мўтабар уруғларига тутқаздилар. Тошни олиб боришда ҳамма қабиаланинг оқсоқоллари иштирок этди. Сўнгра Расули Акрам тошни шахсан ўзлари олиб, жойига ўрнатиб қўйдилар.

Ҳазрати Пайғамбарнинг бу ҳакамликлари — топган тadbирлари ҳаммага маъқул тушди. Қўрқинчли бир ички урушнинг олди олинди. Расули Акрамнинг мавқеалари маккаликлар орасида янада юксалди. Бутун Макка халқининг у кишига бўлган ҳурмати ортди...

Каъба биноси тикланди. Яна бир айвон илова қилинди. Эшик ердан бир одам бўйи кўтарилди. Бироқ малзама (ашё) етмай қолганидан асосий бинонинг бир қисми ёпилмай, очикда қолди. Бу ернинг атрофи девор билан ўраб олинди. Усти ёпилмай қолган жой «Хатим» дейилди. Шундай қилиб, Қурайш қурдирган бу янги бино Ҳазрати Иброҳимнинг эски биносига айнан мос тушмади. Таассуфки, кўп ўтмай Каъбанинг ичи яна бутлар билан тўлдирилди. Бу ҳол Макка фатҳига давом этди.

(Давоми келгуси сонларда)

ОЛАНДА ТАҲ ҚҲН

ЯШИЛ ФИЛЛАР

Заир ўрмонларида тadbқиқот олиб бораётган зоолог олимлар терисининг ранги яшил бўлган филларга дуч келишди. Бу ғалати филларнинг бўйи одатдаги Африка филларининг бўйидан анча паст экан.



Агар тижорат, олди-сотдилар билан шуғулланувчилар ҳақида гапирилса, кўпчилиكنинг энсаси қотади. Хўш, нега шундай? Назаримда, бунинг сабаби битта. Ҳақиқий ишбилармон фақатгина ўз манфаати учун эмас, эл-юрти манфаати, ободончилиги учун ишлайди, ҳаракат қилади.

Хайрулла Мўминов ана шундай фидойи, уста тadbбиркор. Биз бундай аjoyиб инсонлар ҳақида қанчалик сўзламайлик, барибир тўлалигича уларнинг таърифини келтиролмаётгандек туюлаверади. Чунки уларнинг ишлари ҳаммиша ҳайратларимизни ошириб, ҳавасларимизни орттираверади...

Назаримда, Хайрулла ака табиатан тadbбиркор бўлиб туғилгандек. Чунки қачон у кишини учратмай, бир янгилик яратган бўлади. Ё бўлмаса навбатдаги янгиликнинг пойдевори тайёр туради.

Дастлаб, аҳоли эҳтиёжига зарур бўлган кундалик маҳсулотлар — мева-сабзавот, кийим-кечак, нон цехларини куриб ишга тушириб, эл дуосини олди. Яқинда эса энг замонавий типдаги хусусий шифохона барпо этди. Ўзбекистонда биринчи марта «Карима» номи хусусий кўп тармоқли шифохона ўз фаолиятини бошлади.

Ҳозирда шифохонани тиббиёт фанлари номзоди, катта кардиолог Маҳмуд Пирназаров бошқармоқда.

Биз хусусий шифохонанинг вужудга келиш тарихи билан қизиқдик.

— Хусусий шифохона куриш фикри менда 1996 йили Малайзияда бўлганимда пайдо бўлди, — дейди Хайрулла ака. — Бу ниятимни 6 ой ичида амалга оширишга муваффақ бўлдим. Тўғри, аҳоли учун пулли даволаниш бир оз оғир. Лекин яхшилаб ўйлаб қаралса, бу усулнинг самараси кўпроқ. Чунки ўзингиз ўйланг, бир беморга ташхис қўйиш, даволаш учун давлат қанчадан-қанча маблағ сарфлайди. Ҳатто биз белгиланган нархдан икки баробар қиммат. Чет давлатларда бу 100-150 долларга тўғри келади. Биз бар-

часини атрофлича ўйлаб, аҳолининг турмуш шароитидан келиб чиққан ҳолда, энг арзон, келишилган баҳода нарх белгилдик. Бир нарсани алоҳида айтиб ўтмоқчиман: биз ҳозирда фойда учун эмас, халқ саломатлиги ва соғлом авлод камоли учун жон куйдирмоқдамиз. Келгусида шифохонани 20 ўринли ётиб даволанадиган стационарга айлантирмоқчимиз. Ҳар бир бемор учун иккита хона бўлиб, бири ётоқхона, иккинчиси келувчилар учун меҳмонхона вазифасини ўтайди.

«Карима» республикада ягона ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган хусусий шифо масканларидан бири. Бу ерда аёллар касалликлари, болалар ва катталарда учрайдиган таянч-ҳаракатлантурувчи системасининг мураккаб касалликлари, туғма ногиронлик, бод, остеохондроз, дарз кетган, қийшайган тишларни тўғрилаб оғриқсиз даволаш, кулоқ-бурун



даволанади, — дейди шифохона кардиолог Маҳмуд Пирназаров. — Инсон организмнинг асосий нуқтаси юрак ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уни касаллантиришга йўл қўймаслик, шундай бўлган тақдирда эса дарҳол олдини олиш лозим. Ҳозирги кунда чет давлатларда юрак касаллигининг исталган тури бориғи 8-9 кунда даволанмоқда. Бизда ҳам бу тажриба сынаб кўрилиб, амалда яхши натижалар бераётир.

— Болалар бизнинг келажагимиз экан, уларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш бурчимиздир, — дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор, педиатр Абдуғаффор Исроилов. — Шифохонамиздаги врачларнинг асл мақсади юртимизнинг бундан ҳам обод бўлиши, оилаларимизнинг тинчлиги ва асосан фарзандларимизнинг соғлом ўсишидир. Ҳозирги кунда комплекс ихтисослашган амбулатор-шифохоналар ташкил қилиш зарур. Бунда врачлар ўз амалий фаолиятларини янада кенгайтириш имконига эга бўладилар. Асосийси, беморлар қийналмайдилар.

«Карима» хусусий шифохонасига қадам ранжида қилар экансиз. У ердаги шифокорларнинг очик чеҳра, ширинсуханлигидан баҳри дилингиз очилади. Шинам иссиқ хоналар, энг замонавий типдаги тиббий мосламалар бирпасда оғирингизни енгил қилади.

Агар дардингизга даво излаётган бўлсангиз, «Карима» хусусий шифохонасига ташриф буюринг! Бу ерда шифокорлар ҳаммиша хизматингизга тайёр. Шифохона манзили: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Фобрий кўчаси, 418-уй. Тел: 46-17-38. «Алломиш» спорт саройидан янги ТошМИ йўналиши бўйича иккинчи бекат. 31, 88-автобуслар боради.

Дилбар РАҲИМ қизи





Мен эрта тонгни улуғлик соатлари деб атайман. Куёш гўё ўз элчиси — тонгги шафақни юбориб, «Ердагиларга бориб айт, огоҳ бўлишсин, мен чиқиб келяпман», деяётгандай. Ҳа, Куёш — улуг мўъжиза. Унинг истиқболига пешвоз чиқиб, кутиб олмаслик — катта гуноҳ.

Эрта тонгда уйгонганимда яна онам эсимга тушади. Волидам: «Болам, эрта туриш керак, эрта тонгда фаришта, маллоикалар насиба улашиб юришади. Кимки уйғоқ бўлса — ўшанга тегади» дегувчи эдилар. Дадам ҳам, онам ҳам эрта туришарди. Сахар мардонда турган бувим ҳовлию эшик олдиларни чинидай қилиб супуриб чиқар, кейин бизларни уйготар эди. Фингшиб, кўзимизни очолмасдик, бошимизни яна кўрпага ўраб олардик, шундоқ ёнгинамиздаги мактабга ҳам кеч қо-

лардик, беришса то чошгоҳча қотиб ўхлардик. Қани энди, ўша тонглар қайтиб келса! Йўқ, улар ўтиб кетди — фаришталар ҳам насибасини улашиб бўлишган.

Аммо қодир Аллоҳ насиб этса — олдинда ҳали тонглар кўп. Энди ўзимиз болаларни эрта тонгда уйготамиз. Ҳар тонгни бедор кутиб олиш пайдамиз. Энди қолган насибадан умидвормиз.

Ҳа, тонгни кутиб олган одамга бир олам насиба келади. Сахарда туриб юзини ювган киши бир олам тетиклик, яхши кайфият олади, руҳи тонгдай покиза бўлади. Инсон гафлатдан бош кўтариб, ўзини англайди, инсоний юмушларга киришади, ишлайди, қуради, яратади.

Шунинг учун ҳам мен тонгни улуғлик соатлари деб биламан. Сахар мардонда турган одамларни олқишлайман.

Мухтор ХУДОЙКУЛОВ

АВВАЛ ПИЧОҚНИ ЎЗИНГГА УР...

Меҳмонга боргандик. Чаққақлашиб, хушқайфият ила ўтиргандим. Тусатдан меҳмоннинг қариндошларидан бири биз томон тикилиб турганини сезиб қолдим. Унга қаттиқ ўқрайдим. Таассуфки, бундай пайтларда ниҳондан бошқа танбех воситаси йўқ. Йигит фаросатсизроқ эканим, бу қарашим беҳуда кетди. Аёлим сезди шекилли, ўрнидан секин туриб, ташқарига чиқиб кетди.

Шу кунни еган-ичганим татимайди.

Агар ўша йигитни кейинги кунни кўчамизда учратмаганимда бу воқеани унутиб юборардим. Уни кўрдимиз ҳаётимда илк марта юрагимга шубҳа тушди. Шубҳа — шундай гаддор эканки, ҳузур-ҳаловатингни ўғирлаб, юрагингни кемиради, кемираверади. На аёлимнинг ўзини оқлаб, йиғлаб-сикташлари ва на танбехлари қор қилди. Аёлимни ҳам сиқиб юбордим. Бу дарддан кутулмасам, бир қор-ҳол бўлишни ичи-ичимдан сезиб турардим. Бир неча кун ичида озиб-тўзиб кетдим.

Ниҳоят, сабру тоқатим тугади. Аёлимнинг изидан тушдим. Бу қанчалик хунук иш эканлигини билсамда, бошқа қорам йўқ эди. Ишигача кузатиб бордим. Ишхонамдан баҳона билан жавоб олганман. Кун бўйи изкуварлик қилдим. Қанчалик узун, зерикарли эди бу кун. Соат милллари олтига яқинлашиб қолди. Юрагим гупилаб урарди. Ниҳоят, унинг машинаси пайдо бўлди.

— Ҳап, сепларини?! — хаёлимдан ўтказдим алам билан. Уларни гуноҳ устида қўлга тушириш ва жазолашга ташналик ҳисси юрагимни ўртай бошлади. Аёлим ишхонасидан чиқиб, бекат томон юрди ва биринчи келган автобусга ўзини урди. Машина қаендай ўрмалаб, автобус ортидан тушди.

— Нима бўлди? Аёлим мени кўриб қолдими? Ё бирон нарсадан шубҳаландими?

Уйлаб ўтирадиган пайт эмасди. Такси тутиб уларнинг ортидан тушдим. Аёл автобусдан тушиб бошқасига ўтирди, кўп ўтмай кўчамизнинг муволишида унинг машинаси пайдо бўлди. Илоҳи бўл-

са-ю, майсаларга айланиб, уларнинг суҳбатидан воқиф бўлсам. Япроқлар ниҳонсизлар. Ўша кунги ўтиришдан бери турмушимиз заҳарга айланганини биласизми? Агар эркак бўлганимда қандай гаплашишни ўзим билар эдим! У турган жойида қотиб қолди.

Гулмира шартта бурилди, жадаллашиб юриб кетди. Онам тўнка ўзига келиб унинг ортидан югурмоқчи эди, елкасидан ушлаб қолдим.

— Бу ёғини мен билан гаплаш. Ҳа, эшитдингми?! — қўлимга, юрагимга бир куч келди-ю, унинг жағига мушт қолдим. У учиб йиқилиб тушди. Бир сакраб олдида пайдо бўлдим.

— Кечиринг, кечиринг.

— Бу ҳали ҳолваси. Агар иккинчи марта бу томонларда қорангни кўрсам, онанан туғилганимга пушаймон қиламан.

Унинг қалтираб, машинасининг қалитини топа олмай ивирисганини кўриб, кулиб юбордим. Бутун аламларим, азобларим унутилгандай бўлди.

Шу кунни маликаи муҳтарамам билан ярим тунгача суҳбатлашдик. Гапларимиз йиғилиб қолган экан. Шунда унга бир фикрни айтдим ва ўйлайманки ҳақ эдим.

Шубҳага тушган инсоннинг ҳолини англаш керак. Ана шу тоғдек оғир ва қийноқли юқдан ҳолос этиш, энг мусибатли шубҳаларни даф этиш фақат ва фақат аёл кишига, унинг фаҳму фаросатига боғлиқ. Акс ҳолда, ҳар икки жўфнинг ҳам боши қулфатдан чиқмайди ва алал-оқибат оиланинг бузилишига олиб келади. Ўзим ҳам гўзал аёллар билан танишганимда бир мақолни ўзимга эслатиб тураман:

Аввал пичоқни ўзингга ур...

Абдурашул АбЗам

— Қайнукам «уйланмайман» деб юриб-юриб, ўттиз еттига чиқди. Қайнонам бир кунни ёзғирдилар: «Энди бунинг тўйини кўрмай кўзим очик кетадими, эвоҳ! Сан ҳам катта келин бўлиб бунинг ғамини емасанг...» Шундан кейин ҳаракатга тушиб кетдим. Қайси қиз кўзимга яқин бўлса, йўлини қилиб, қайнукамга кўрсатдим. Унисини ундоқ дейди, бунисини бундоқ... Хуллас, бахтимиз чолиб, бир қизда тўхтадик. Қайнукам шуни олар бўлди. Мен «ишни пишириш» учун қизнинг ёнига бир неча бор қатнадим. Тўй бўлди. Ҳозир ширингина фарзандлари бор. Лекин гоҳида шу овсиним мендан ўпқаланади:

— Сиз қайнуқангизни жудаям мактагандингиз. Унчалик эмаскану, гоҳида жуда хафта қилиб юборадилар, мени.

Шунда дейман:

— Ўргулай, совчининг иши мактаб-мактаб, қизни кўндиришда!

Овсиним жаҳлланади. Мен ҳазилга ўтаман:

— Ахир, эрингиз кимдан кам, ичмас-чекмас, урмас-сўкмаса...

Овсиним ажабланади:

— Урадиган эркаклар ҳам борми, ҳозирги пайтда?!

— Бўлмаса-чи, — дейман. — Уриб-сўкадиган, кўчага ҳайдаб чиқарадиган эркаклар борлигини мен кўп эшитаман!

Овсиним яйраб кетади:

— Қайнуқангиз унақа эмаслар. Яхшилар!

Ҳа, совчи бўлмоқлик ҳам қийин иш... — Сиз ҳали энг қийинини эшитмагансиз. Сизга шунисини айтай. Катта укам армиядан «отпусага бораёман» деб хат ёзибди. Шу-шу онаминг тинчи йўқолди. «Бирорта қиз топинглар, — дедилар бизга. — Келганда бошини боғлаб қўйилик. То би-тириб қайтганича тўйнинг ҳаракатини қиламиз!» Мен яхши бир дугонанинг синглисига ҳавасманд эдим, шуни онамга айтдим. Онамга суратини кўрсатсам, «Ширингина экан, укангга бўлади», — дедилар. Укам келди. Қиз солдат тўйида хизматда бўлди. Кечқурун икки ёшни учраштирдик. Бир-бировига маъқул бўлди. «Энди буёғига ҳам ўзинг бош-қош бўла-

сан», дедилар онам. Совчиликка бориб, суяниб келдик. Укам кетгач, «бўлғуси келин»нинг иши нобол экан, бошқа ишга жойладик. Қишнинг қора совуқларида ижарада юрмасин деб, уйдан жой қилиб бердим. Қишлоққа борганимда, «Энди алкади: «Яхши қилибсан. Энди шу қизнинг иссиқ-совуғига қарашиб тур!» Укам ҳам армияни битириб қайтди. Тўй бошладик. Масъулиятдан қутулиб, енгил тортдим.

Бир кун идоранда ишлаб ўтирсам, кимдир ойнани чертди. Қарасам, икки синглим. Мени ташқарига имлашди. Шошиб дарров чиқдим: «Ҳа, тинчликми?!» Кичик синглим бурнини тортди: «Онам юбордилар. Ўзингиз топан келинни энди ўзингиз олиб

— Уларнинг бирови ЗАГСига бори-ди, бирови никоҳ қўйлаб тикдиришга югурди, бирови стол безайман деб бўларича-бўлди. Сизга уни қилинг, буни қилинг демадик, энди ян-га бўлишга қоласиз, бутун...

Шалпайибгина автобусдан тушдим. Қайнонаю янгаларимиз шаҳарлик куёвнинг қўшниси — холамникида донг қотиб ухлашаётир. Мен шўрлик ўзимни қўярга жой тополмайман. Қайнонам мени куёвнинг уйига кузатиб қўйиб келди. Дом эмасми, бурчакдаги чимилдик номигагина илиниб турибди. Келин-куёвга бу ёқда — қўш қаровотга жой қилинган. Куёвнинг онаси — куда холамиз замонавий, шарт-шурт аёл экан. Бирпасда стол безатди. Келин-куёвни,

мени таклиф этди. Бирпас ўтиришдик. Сўнг аста ўрнимдан турдим.

«Хўп айланай, эрталабки келин саломга кеч қолманглар!» Холамникига келсам,



СОВЧИЛИККА БОРАМАН

келиб бераркансиз. Онасиникига келиб қолди!» Суриштириб билсам, келин-куёв айтишиб қолишибди. Чилалик келинчақкина бир-иккита қийимини тугунга солиб, ота уйига жўнаб қолибди. «Сал эрқароқ ўсган девди-я, дугонам!» Хуллас, шу кунни эрим билан бирга машина ёллаб, қизниқига бордик. Минг тавбаю-тавалло қилиб қизни отамникига келтириб бердик. Совчилик... .г шу қа томонлариям бор, ўргулай!

ЯНГАЛИК ҲАМ ОСОҢ ЭМАС

Сизларга бошимдан ўтган бир воқеани айтай. Қайсинглимни шаҳарга узатдик, денг. Тўй қафедда бўлди. Роса ўйнаб-яйрадик. Тўй ниҳоя топинида, қизлар шивирлашди: «Автобус қишлоққа қайтаётганмиш!» Мен ҳам уларга қўшилиб чопдим. Шунда биров енгимдан тортди. Қарасам, қайнонам. «Келин, сиз қолинг. Ян-галик қиласиз...» Мен довдирадим: — Ҳеч бу ишни қилмаганман, энажон. Катта янгаларим бор-ку.

Қайнонам деди:

Гулчехра ЖАМИЛОВА

ОИЛА ВА ХОТУН

Эр ила хотуннинг қонуний сувартада бирга қўшилганларидан ва бир вужуд бўлишларидан оила ташкил бўлу-р.

Хотун ходима эмас, балки оила-дир. Чунки, эрлар оиланинг раислари бўлсалар, хотунлар уларнинг тасарруфларида бўлган оила-ю уйларининг мудирлари бўлулар. Шу боисдан уларга оила демак дуруст бўлу-р. Хотун солиҳа бўлиш шарти билан дунё ва охиратнинг саодатига-ю ҳар турли роҳатларига сабаб бўлу-р.

Эзгу хотун эрининг молини сақлар, эрига келадиган балоларни даф қилур, ғайратли аскар каби барча куч-қудратини сарф қилур, кўп вақт баъзи нарсаларда иқтисод этиб, кўпми-озми мол йиғур-да, зарурат бўлганда эрига чиқариб бериб, уни шод-лантиру-р.

Тарбияли хотун ота-онасини, эр ҳамда боласини, бутун оила хулқини, оилага муносабатли бўлган дўсту қўшнилари, ҳодиму ходималарини

тарбия-ю ҳусни хулқи билан мамнун қилур. Ўзи ҳам бахтли ўлароқ умр су-ру-р.

Бир инсон нақадар бою нақадар мартаба соҳиби бўлса-да, унинг тарбияли хотуни бўлмаса, у бахтли эмас. Зеро бахт оиласи ичида роҳатли умр кўрмақдан иборат бўлиб, оила ичида роҳат кўрмаган инсон, оила ташқари-сида ҳам роҳат кўра олмас.

«Хотунларга илм ўқутмоқ зарарли-дир» дейиш ноҳақ сўз бўлиб, одамларнинг ярмидан иборат бўлган ки-шиларни илмдан бебаҳра қолдириш-га, бунинг натижасида умуман одам болаларини тарбиядан маҳрум қилиш-га йўл очиш демақдир.

Болаларига тарбия бера билмаган ва ҳусни ахлоқ ўргата олмаган хотундан фойда ўрнига улуг зарар кўри-лу-р. Зеро, бундай хотунлар халқ ора-сида вабо микробларидан зарарли бўлган инсонлар етиштирулар.

«Оила» китобидан

АЁЛЛАРНИ АСРАНГ ЭРКАКЛАР

Америкалик атоқли психолог олим Жемс Добсон ўз изланишларида аёллардаги руҳий сиқилиш ҳолатини юзага келтирувчи асосий омил, улардаги ўз-ўзини камситиб ба-ҳолашларида, деб таъкидлайди. Ўз-ўзини камситиш барча аёлларга хос. Ва бунинг энг ёмон томони киши руҳиятида салбий из қолдирувчи * ўз имкониятлари, кучига шубҳа билан қарашни юзага келтиради. Шунинг учун биз эркак-лар имкони борица аёлларимизга эътибор бермоғимиз, ўзига бўлган ишончини сўндирмасликка кўмаклашмоғимиз лозим. Негаки, ўзларига бўлган ишонч нафақат ўзига, балки оила, фарзанд ва шу билан бирга жамиятимиз учун ҳам фойдалидир.

Аёлларнинг ўз-ўзини баҳолашида жинсий хусусиятлар муҳим аҳамият касб этади. Маълумки аёлларда ҳар гал менструация даври бошланишида уларнинг руҳиятида қатор ўзгаришлар содир бўлиб туради. Шундай пайтларда кайфиятлари бузилиб, жаҳлдор бўлиб қоладилар. Бу даврда 30 фоиз аёллар: невроз, қувватнинг пасайиб кетиши, агрессивлик, шовқинни кўзгатувчиларни салбий қабул қилиш, руҳий сиқилиш, хавфсизраш ҳиссининг кескинлашуви, ўзига ишончсизлик каби ҳолатларни бошдан кечириладилар. Кўпчилик ҳолларда аёлларнинг ўзлари ҳам бундай нохуш-ликлар боисини англаб етмасликлари, ўз кайфияти, ўз-ўзига ва атрофдагиларга нисбатан бўлган муносабатлари-ни онгли бошқара олмасликлари мумкин. Атрофдагилар эса (турмуш ўртоғи, қайнонаси ва бошқалар) бундан мутлақо беҳабар бўлишлари, унинг бу ҳолатини тушунмасли-ги, ҳис етмаслиги мумкин. Оқибатда аёлда вақтинча рўй бериб ўтиб кетадиган бу ҳолат унинг атрофдагилар билан бўладиган муносабатларининг ёмонлашиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Умуман, аёллар кайфиятининг ойлик менструал даврга алоқадорлиги қандай? У давр аёлларда қандай кечади?

Мутахасссларнинг таъкидлашича, аёлларда менструал даврнинг тўрт ҳафтасини, йилнинг тўрт фаслига қисловчи аник таққослашлар мавжуд.

Аёлларнинг физиологик календарига кўра, менструация-дан кейинги биринчи ҳафтани баҳор фаслига қиёслаш мум-кин. Бу даврда ҳар кун янги-янги (порция) эстроген (аёл-лар жинсий гармонни, бу аёлларда дармоннинг ортишига, кайфиятнинг яхшиланишига таъсир қиладилар) ажралиб ту-ради. Натижада бадан яқиндагина бўлиб ўтган қиш «қирво-ларидан» тозалана боради. Иккинчи ҳафтани * енгил ва майин ёз фаслига қиёслаш мумкин. Бу босқичда аёлнинг ўзига ишончи бошқа даврдагига қараганда энг юқори да-ражада бўлади. Бу қунлар, аёл қувватли, завқ-шавққа тўл-ган, атрофдагилар билан муносабати дўстона бўлади. Да-вр ўрталарига бориб аёлларда оптимизм энг юқори чўққи-га кўтарилади. Эр-хотин ўртасидаги муносабатлар ҳам энг аъло даражада бўлади (бу вақтда жинсий мойиллик ва бўйида бўлиш имкониятлари юқори бўлади).

Бирок афсуски, ёздан кейин ўзининг изгирин шамолла-ри билан куз келади. Эстрогенлар даражаси пасая бош-лайди. Аёл организмни қишга, яъни навбатдаги менструа-цияга тайёрлана бошлайди. Бу даврга келиб, энди бошқа гармон * прогестерон ажралиб чиқа бошлайди. Бу давр гар-мон эстроген таъсирини емириб, менструация бошланиши олдиндан руҳий сиқилиш ҳолатини юзага келтиради. Бу ойда ўз-ўзини бошқариш ҳалокатли даражада пасайиб бориб, бир вақтнинг ўзида руҳий сиқилиш ва кайфиятнинг ёмон-лашуви олиб келади. Бу ҳолат аёлларда нафақат нуку-

лайлик ҳиссини, балки: «Нақадар хунукман!» — де-ган каби фикрлар-ни ҳам тўғдиради. Бундай фикр, бун-дай баҳо аёл ки-ши учун нақадар оғир эканлигини фақат аёлларгина ҳис қила олади.

Нурмат СОФИНОВ

ҚАЙРОҚИ ГАПЛАР

Менга совчи келавериб онамни ҳоли-жонига қўйишмас эди. Охири, хотинимдан келган сов-чиларга розилик бердилар.

Кеча тунда хотинимга роса танбех бердим. Мол-гавламга ўчлигини роса юзига солдим. Яна шунақа қилса ташлаб кетишимни айтдим. Хай-рийат, уйғониб кетмади.

Бора-бора чин севги ҳам, эркаклар ҳам «Қизил китоб»га тушар эмиш.

Абдувоҳид Раззоқ ўғли



Айни шу даврда атрофдагилар, айниқса, турмуш ўртоғи то-монидан аёлга безътиборлик ёки уни камситиш, ҳақоратла-ниши (афсуски бу жуда кўп учрайди) аёл кишида ўз-ўзидан, ҳаётдан қониқмаслик, норозилик ҳисларини юзага келти-ради. Бу ҳолат ҳафта давомида кучайиб бораверади. Аёл борган сари агрессив, жаҳлдор бўлиб бораверади. Бу зў-риқлиш то менструация бошлангунга қадар давом этади. Ундан сўнг «қиш» — менструация даври келади.

Менструация олди даврида аёлларда руҳий сиқилиш ҳо-латининг юзага келиши туфайли ишга яроқлиликнинг па-сайиши, фарзандларига, атрофдагиларга нисбатан кўпол муносабатда бўлиш (тажовузкорлик) ва ўз жонига қасд қи-лишга интилиш каби нохуш истакларнинг юзага келиши ҳо-ларни микдори ортиб боради. Бу руҳий сиқилиш ҳолатига тушишининг асосий сабаблари бевосита аёл организмидан рўй бераётган физиологик ўзгаришларга боғлиқ эканлиги-дан хабардор одам. Маълум даражада шу даврда рўй бе-риши мумкин бўлган нохуш кайфият, қўнғилсизликларга ол-диндан тайёр бўлади. Бу хабардорлик, руҳий тайёргарлик эса мазкур даврнинг кескин ўтиши юмшаши ва ўзаро му-носабатларга салбий таъсир этувчи ҳиссиётлар асоратини камайтириши мумкин.

Аёлларнинг депрессив ҳолатларга тушишига олиб кела-диган сабаблардан яна бири уларнинг турмуш тарзи дара-жасидир. Албатта бу ерда гап турмушнинг оғир ёки енгил-лигида эмас, балки иқтисодий-ижтимоий ҳолат субъект то-монидан қандай идрок этилаётганлиги, қандай баҳоланаёт-ганлигидадир.

Умуман, кўпчилик одамлар ҳаётларида рўй бераётган во-қеа ва мавжуд нарсаси — ҳодисаларга ўз вақтида етарлича эътибор беравермайди. Улар гўёки буларга бўлиши му-қаррар нарсалардек қарайдилар. Масалан, соғлиқнинг ях-шилиги, ёйиш-ичиш, қийинишда камчиликларнинг бўлмас-лиги, беғам, беташвиш яшаш, уй-ҳойининг борлиги ва ҳоқа-золар. Бундай нарсалар, айниқса, болалиқдан шуларга эга бўлган одамларда деярли ҳеч қандай «таассурот» уйғот-майди. Чунки бундай ҳолатларда уларнинг шу масалаларга оид ҳаётдан қуттишлари билан реал эга бўлганлари ўртаси-да тафовут унчалик сезилмайди. Мабодо одамда ҳаётдан қутганлар рўёбга чиқмаса-чи? У соғлигини йўқотса-чи? Иқ-тисодий қийинчиликларга дуч келиб қолса-чи? У ҳолда сўз-сиз бу одамнинг ҳаётдан қутганлари, тасаввурлари билан дуч келган реал воқеалик ўртасида тафовутлар унда депрес-сия ҳолатининг юзага келишига сабаб бўлади.

Бу ўринда шунини айтиб ўтишимиз жоизки, кўпинча омма-вий ахборот воситаларида ёшларга бағишланган матери-аллар берилиб рўёбга чиқмаса-чи? У соғлигини йўқотса-чи? Иқ-тисодий қийинчиликларга дуч келиб қолса-чи? У ҳолда сўз-сиз бу одамнинг ҳаётдан қутганлари, тасаввурлари билан дуч келган реал воқеалик ўртасида тафовутлар унда депрес-сия ҳолатининг юзага келишига сабаб бўлади.



Сочининг савдоси тушди...

ШОҒИРДЛАР ЧИСТОЗ ҲАҚИДА

Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Раҳимов: — Вилоятдаги устозларимдан сабоқ олиб, республикага чиққач, Фахриддин аканинг қўлларида санъатнинг яна кўп сирларини ўргандим. Қўшиқларидан илҳом олдим. Шу кишига ўхшаш эл севган хонанда бўлишни орзу қилдим. Менинг орзуларим ушалишида Фахриддин аканинг улушлари кўп. Хамма қўшиқларимда Фахриддин аканинг хамиртурушлари бор. Санъатга содиқлик, ўзидан катта санъаткорларни эъзозлаш хислатларини ҳам устоздан ўргандим. Ўзбекистонда биринчи лирик хонанда аталиб, шу номни соф сақлаб келаётган ҳам устоз бўладилар. Устозимизнинг умрларини Аллоҳ узун қилсин.

Республикада хизмат кўрсатган маданият арбоби,



тарих фанлари номзоди, доцент Ҳожиакбар Ҳамидов: — Санъатга, қўшиққа, айниқса, Фахриддин ака ижросидаги қўшиқларга меҳрим баланд эди. Шунинг учун 1970 йили «Мени шогирдликка олинг», деб борганман. Шундан буён устоз-шогирд, ота-болаимиз. Санъатда ҳам, илмда ҳам эришган ютуқларимда устозимнинг ҳиссалари катта. Соғ юрсинлар, юзга кирсинлар.

Ўзбекистон халқ артисти, «Олтин диск» мукофотининг совриндори Ғуломжон Ёқубов: — Устозимнинг қўшиқларини севиб, уларга эргашиб санъатга кириб келганман. Ашулани шуларнинг қўшиқлари билан бошлаганман. Қўшиқлари юрагимга яқин ва дилимда. У кишини доимо устоз, деб биламан, ҳурмат қиламан ва эъзозлайман. **Шаҳзодаҳон Худойбердиева** ёзиб олди

Умр дарёдек бефарқ оқиб ўтаверади. Турмуш ташвишлари билан овора бўлиб йиллар ўтиб кетганини билмай қоласан. Бир кун ўгирилиб ортингга — ўтган умрингга назар ташлаб, кўрган-кечирганларингдан моҳият қидириб қоласан ва илгари ўзинг сезмаган, англамаган маънолар топасан, кашфиётлар қиласан...

Фахриддин Умаровнинг қўшиқларини эшитганда менда ҳар гал шундай ҳолат пайдо бўлади.

50-йилларнинг охири, ҳали телевизорлар йўқ ҳисоби, радиоприёмниклар кам, қишлоқлардаги баъзи хонадонларда хириллаб ўқийдиган «қора тобоқлар» учраб туради.

Қўшимиз Салом ака ҳар кун эрталаб патефонини айвонга олиб чиқиб, биттагина пластинкани қўяди. Чопонини елкасига ташлаб, оёқларини чопон бариға ўраб, чордона куриб ўтиради-да, кўзларини юмиб қўшиқ тинглайди.

Сочининг савдоси тушди бошимга бошдин яна,

Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қошдин яна...

Қўшиқ тинглаётганида Салом ака хамма нарсани унутади, чақирикқа жаваб бермайди. Қўшиқ тугагач, кўзларини очиб чуқур хўрсинади-да, тинчини бузган кишига қараб кўрсаткич бармоғини пешонасига нуқиб:

— Калла ишлайдими, ўзи? — дейди ранжиб. — Ахир, Фахриддин Умаров қўшиқ айтаяпти-я!

Ўзбек қўшиқчилигининг тенгсиз намоёнчаси, хофиз Фахриддин Умаров билан болалигимдан танишим шундай кечган.

II

Менинг тасаввуримда Фахриддин ака 1960 йилларнинг афшқаларидаги чиройли, мағрур ва кўркам йигит сифатида ўрнашиб қолган.

60-йиллар...

Фахриддин аканинг шуҳрат чўққисига чиқиб, бу чўққидан ўз ўрнини мустаҳкам эгаллаган йиллари...

Фахриддин Умаровнинг концерти ўтадиган саройлар атрофида доим одам гавжум, билетлар етишмайди...

Фақатгина Фахриддин Умаровни кўриш, овозини эшитиш учунгина республикамизнинг узок қишлоқларидан мухлислар пойтахтга келишади...

Радиода Фахриддин Умаров қўшиқлари жаранглайди...

Фахриддин Умаров қўшиқлари ёзилган пластинкалар магазинларда қўл-қўлга тегмай сотилади.

Ўзбекистон ва қўшни республикаларда Фахриддин Умаров ҳақида мақтовлар, ҳар хил миш-мишлар, афсоналар ва гийбатлар гапирилади.

Ўзбек санъатининг ўлмас хофизлари Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзовлар ижод қилаётган бир пайтда ўзбек қўшиқчилиги санъати Олимпига чиқиб, ундан ўрин олиш осон ишмиди?!

Йўқ!

Хофиз Фахриддин Умаров шундай ишнинг улдасидан чиқа олган санъаткор!

Фахриддин Умаровнинг ижоди ҳақида гапиришдан олдин, ўша пайтлардаги ўзбек халқ қўшиқчилиги санъатининг аҳволи ҳақида озроқ фикр юритишни лозим топдим.

Асримизнинг 30-йиллари социалистик тузумнинг афзалликларини жаҳон «афкор оммасига» кўз-кўз қи-

Қўшиқчилиги санъати сиёсий ақидалар, ўйлаб топилган қолипларга тикилган бир пайтда ўзбек қўшиқчилиги осмонда қизил андозаларни синдириб ижод бошлаган хофиз Фахриддин Умаровнинг юлдузи порлай бошлади...

...Ва Фахриддин Умаров қўшиқ ҳеч қачон қолипга ситмаслигини, мусиқани ақидалар билан занжирлаб бўлмаслигини исбот қилди!

Фахриддин Умаров ўз ижоди — қўшиқлари билан ўзбек халқ қўшиқчилигини турли андоза ва қолиплардан холос қилиб, эркин ижодга таянган янги йўл яратди!

III

Қўшиқ нима?!

Инсон ақлини таннигандан буён файласуфлар бу саволга аниқ жавоб берга олмайдилар.

Менимча қўшиқ — мўъжиза. Мўъжизани кўриш, эшитиш мумкин, лекин уни талқин қилиб бўлмайди.

Қўшиқни бирор хил ўлчов билан ўлчаб ҳам бўлмайди. Қўшиқ ҳақида гап кетганда, унга бериладиган баҳо ҳам қисқа «ёқад» ёки «ёқмайди».

Фахриддин Умаровнинг ҳар бир қўшиғи мўъжизагина мўъжизадан иборат, шул сабабдан у миллионлаб одамларга ёқар эди.

Фахриддин аканинг қўшиқларида нурли қатралар, эзгу туйғулар, ноэтик кечинмалар, яшириниб ётган эҳтирослар куйланар экан, бу ҳол ўзбек халқ қўшиқчилигида катта янгилик бўлди.

Хофиз Фахриддин Умаров қўшиқчилигимизда эркин «Лирика» жанрини бошлаб берди.

Бу хофизнинг ижоди санъатимизнинг энг ёрқин саҳифаларидан бири бўлиб қолади. Чунки унинг ижоди ўзбек халқ қўшиқчилигининг тараққиётига энг катта туртки бўлган эди.

70 ёшга тўлган устоз санъаткор Фахриддин Умаровни шу қутлуғ ёш билан қутлаш учун мақтов сўзлари қидирдим... топа олмадим.

Миллионлаб одамларга ёқолган, уларнинг олқишларига сазовор бўлган одамни, миллионлаб мухлислар ортирилган овозни, миллионлаб одамларнинг қалбига кириб боролган қўшиқларни мақташ учун муносиб сўзлар бормикин?!

Мўъжизани талқин қилиб бўлмайди, уни эътироф этиш мумкин, холос!

Холик ХУРСАНДОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

ҚАЛБЛАРГА СИНГИВ
КЕТГАН ҲОФИЗ

лиш, «шаклан миллий, мазмунан социалистик» санъат яратиш компанияси ниҳоясига етиб, «Қизил империя» доҳийлари 50-йилларга келиб янги ғоя — «миллатларнинг аста-секин аралашуви ва ягона миллат ташкил топиши» дастурини илгари сура бошладилар. Бу сиёсат миллий республикаларда яшовчи халқларнинг тили ва санъати тараққиётига катта зарар етказди.

Ўзбек санъати ҳам бундан мустасно эмас эди.

Бу сиёсат оқибатида собиқ СССРда яшовчи кўпгина элатлар ўз она тиллари ва миллий санъатларини йўқотиб, ҳозирги кунда Россияда «Русскоязычное население» деган ибора билан аталувчи фуқароларга айландилар.

Ўзбек халқи бу сиёсатга қарши қилиб ўз миллий гуруҳини қўйди. Қизил ҳокимият қоралаган санъаткорларини улуғлади. Қизил ҳокимият маош бермай қўйган қўшиқчиларни миллий анъанамиз — тўйларда хизмат қилдириб ҳақ берди ва ижод қилишга имкон яратди.

Хуллас, 50-йиллар Ўзбекистонда санъат «европалаштириш» томон юз бўрган, ўзбек халқ қўшиқчилиги усули бири жойда топтолиб қолган, ўзбек халқининг урфий ва маросим қўшиқлари «эскилик сарқити» деб эълон қилинган, миллат ва миллий ифтихор ҳақида гапириш хавфли бўлган замонлар эди. Шунга қарамай, фидойи санъаткорлар меҳнати туғайли ўзбек халқ қўшиқчилиги ўлмади.

МИНИСТРИНГ
МУҲАБАТИ

Россиянинг собиқ ташқи ишлар вазири Андрей Козирев учинчи муҳаббатини учратган кўринади. Мамлакат матбуоти унинг ишқи вазирлик даврида котибаси бўлиб ишлаган Еленага тушганини хабар қилиб, унинг суратини чоп этди. Асли Тошкентда туғилиб ўсган Еленанинг томирида арман, украин ва яхудо қонлари оқмоқда. Шунинг эътиборлики, Козиревнинг биринчи ва иккинчи турмуш ўртоқлари ҳам армани миллатига мансуб эди.

ПОСИЛКАДАГИ АЖАЛ

АҚШ Федерал Тергов Бюроси (ФБЭ) ўн саккиз йиллик «ов»дан сўнг шартли равишда «Унибомбер» деб ном берилган жиноятчини ушлади. Шу давр мобайнида 26 кишига почта посилкасида бомба жўнатиб, улардан уч нафарининг ўлимига, 23 кишининг ногиронлигига сабаб бўлган Унибомбер Монтана штатидаги ўрмонда ёлғиз яшайдиган Теодор Казински экан. Унинг қўлбасидан бир неча бомба, портловчи моддалар тайёрлашнинг чизмалари, 70 кишининг исми-фамилияси ва уй манзили қайд этилган рўйхат топилди.

КУСТОНИНГ СУВ ОСТИ
ОДИССЕЯСИ

Аквалангнинг ихтиросчиси, дунёдаги деярли барча океан ва денгизларни кезиб чиққан Жак Ив Кустони ким танимайди дейсиз. Бир неча ой олдин унинг 45 йиллик қадрони «Калипсо» кемаси чўкиб кетди. Лекин 85 ёшли Кусто келажакка умид билан боқмоқда. У ҳозир «Калипсо-2» кемасини қурдирапти. Бунга 80-100 миллион Франция франки сарфланиши кутилмоқда. Бундан ташқари, Кусто келаси йил Бойкўлнинг сув ости оламини ўрганиш ниятида.

ПАНЖАДАГИ
МАШИНАЛАР

Пермлик Алексей Сафоновнинг уйда «Форд», «Мерседес», «Ролс-Ройс», «Фолксваген» каби машиналар бисёр. Бундан жаноб Сафонов «янги руслар»дан эканда, деб ўйлангангиз янглишасиз. Машиналар аслиятдан 36 барабар кичик ва турли меваларнинг данаклари, ёғоч пайраҳаларидан ясалган. Алексейнинг номи «Гиннеснинг рекордлар китоби»нинг русча нашрига киритилган.

ГИЁҲВАНДЛИК БАЛОСИ

Бангладешда гиёҳвандлик балосига гирифтор бўлаётганлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Айниқса, кўплаб ўсимир ва ёшлар ана шу оғушга тушиб қолмоқдалар. Мамлакат пойтахти Дакки шаҳри кўчаларида томирига нана санчаётган ёки наша тутатаётган ёшларни деярли ҳар қадамда учратиш мумкин.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

ТУШЛАР ТАЪБИРИ

Одамларни, бадан аъзоларини туш кўриш

Мабодо эркак киши сочида оқ тола кўрса, демак севикли фарзанд туғилади. Бордию бундай тушни аёл киши кўрса, унинг бошига эри туфайли анча-мунча савдо тушади.

Кимки тушида сочини олдиратганини кўрса, омонат молидан айрилади. Агар у қашшоқ бўлса, муҳтожликдан қутулади. Агар киши ўз сочини ўзи олаётганини кўрса, сири фош бўлади ва соҳибларидан айри тушади.

Аёл киши тушида бошланг бўлса, олисдаги эри қайтиб келади, агар у турмуш қурмаган бўлса, эрга тегади. Агарда аёл сочи олинаётганини туш кўрса, демак эридан талоқ олар экан.

Эркак киши тушида хотинининг сочи қирқилганини кўрса, биллингки, бу аёл эрига хиёнат қилади.

Агар куйимингизнинг ёқаси торлик қилаётганини кўрсангиз, ўнгингизда ҳам азият чекасиз.

Қошингиз, манглайингиз ёки юзингизнинг чиройли ва улкан бўлиб қолгани бир хайрия аломатидир. Демак, сиз эл-юрт дуосига сазовор бўласиз, барака топасиз. Ҳалиги аъзоларингизнинг хунуклашиб, кичрайиб кетганидан худо асрасин, унда омадингиз чоппайди.

Тушингизда бетингизни чанг босмасин — акс ҳолда бадхулқ ва бешарм деган лаънатга қоласиз.

Агар кўлингизда бир кўз пайдо бўлганини кўрсангиз, тилло танга топасиз. Мабодо бу кўзнинг ранги қорадан келса, кўлингизга қумуш танга тушади.

Агар ғариб кимса тушида сўқир бўлиб қолса, фақирликдан қутулади. Мабодо кибор зот сафарга чиқсаю, йўлда ўзини ожиз-нотавон сеза бошласа, дарҳол изига қайтгани маъқул. Акс ҳолда бир фалокатга йўлиқади.

Сайёх кимса тушида кўзи учта бўлиб қолганини кўрса, албатта, йўлидан адашади. Агарда бундай тушни ўз уйида кўрса, мол-мулкига эҳтиёт бўлиши лозим.

Тушида кўзига сурма тортаётган киши Ҳақ Таоло йўлида ғайрат— шижоат кўрсатади, эл-юртдан олқиш олади. Сурмани кўлига қўйган одам эса, бойлик орттиради. Агар тушида одамнинг бурни катта бўлиб қолган бўлса, таъбири хайрлидир. Бундай киши иззат-хурматга эришади, бой-бадавлат турмуш кечиради, бола-чақаси кўп, умри узун бўлади. Бурннинг кичрайиб қолиши эса юқоридагиларнинг тескарисини билдиради.

Агар тушингизда оғзингизга бирон нарса тушганини кўрсангиз, бу ризқ-рўз демакдир. Оғзингиздан бирон нарса чиқаётгани ҳам раъзий маънога эга: агар яхши нарса бўлса, ёқимли сўзлар гапирасиз, ёмон нарса бўлса, хунук гап айтиб, ўзганинг кўнглини қолдирасиз.

Тил узун бўлиб тушга кирса, туш кўрувчи бемаза сўзларни кўп гапирарди. Тили осилиб қолган бўлса — ғам чекади. Тилида тук ўсиб чиққан бўлса ҳам ташвиш тортади. Агарда бурннинг суви томоғига оқиб тушганини кўрса, рўзгордан барака кетади, умри қисқаради.

Тиш қариндош-уруғ тимсолидир. Тўртта курак тиш — тепадаги иккита, пастдаги иккитаси ака-ука, опа-сингилларингиз фарзандларини билдиради. Курак тишларнинг ёнидаги тўртта тиш тоғаларингиз ва амакиларингиз, демакдир. Ундан кейингилари яқин авлодларингизга ишоради. Жағ тишлар эса қавму қариндошни билдиради. Масалан, тепадагилари ота уруғ, пасткилари — она уруғ, баъзи муаббирлар (туш таъбирини ёйувчилар) ўнг тарафдаги жағ тишлар ота авлодини, чап тарафдаги жағ тишлар она авлодини англатади, дейдилар. Агар тушингизда қайсидаир тишингиз йўқлигини кўрсангиз, юқорида келтирилган таърифга қўра, биронта қариндошингиздан айриласиз. Мабодо бу тишингизни осонгина юлиб олган бўлсангиз фарзанд кўрасиз, укалик бўласиз, кўлингизга бойлик киради, умуман барака топасиз.

С. СИЁЕВ тайёрлади

Ф. СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот» уюшмаси

АБОНЕМЕНТ рўзнома
ойнома **64654**

Оила ва жамият (нашр номи) (нашр курсаткичи)

Обуна сони

1997 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта курсаткичи)

Кимга (исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

**РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ
ВАРАҚЧАСИ**

п. р. жойи **64654**

Оила ва жамият (нашр курсаткичи)

Обунани янги манзилга юбориш

Баҳоси	Сўм	Обуна сони
Баҳоси	Сўм	

1997 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта курсаткичи) (манзи)

Кимга (исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

Мутахассисларнинг фикрича «Оила ва жамият» газетаси Сизга маънавий озиқ берувчи, руҳингизни тетиклаштирувчи, фарзандларингиз тарбиясига катта ижобий таъсир этувчи газетадир. Ана шулардан келиб чиқиб «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»га обуна бўлсангиз асло ютқазмайсиз.

Газета индекс:

Якка обуначилар учун: 64654

Корхоналар учун: 64653

ШАБРИКЛАЙМИЗ!



Хурматли падари бузрукворимиз Нигмон БЎРИЕВ!

Таваллуд топган кунингизга 50 йил тўлиши муносабати билан қутлаймиз.

Сизга узоқ умр, соғлиқ-омонлик ҳамиша фарзандларингизга бош бўлиб юришингизни тилаймиз.

Умр йўлдошингиз МАХМУДА, фарзандларингиз ШУХРАТЖОН, РАВШАН, ШОИСТА, МУРОДЖОН, наби-раларингиз НОДИРЖОН ва ФЕРУЗА.

Азиз падари бузрукворимиз Темиркул АБДУСАТТОНОВ!

Сизни муборак 55 ёшга тўлишингиз муносабати билан самимий қутлаймиз. Эзгуликка бахшида умрингиз фарзандлар камоли билан зиёга тўлсин.

Фарзандларингиз ҚАҲРАМОН, ҒАЙРАТ, ОЗОДА ВА ЁҚУТОЙ.



Шаҳло кўз, қалдирғоч қош, Сендан олар ўтти қуёш. Кўксинг ўзи боғи Эрам, Дунёда йўқ бундай ором.

Сендан ўзга йўқдир сўзи, Мурод сенга ошиқ ўзи.

МАШКУРА!

Туғилган кунинг билан табриклайман. Яратгандан узоқ умр, соғлиқ ва бахт тилаб турмуш ўртоғинг МУРОДЖОН.

Тошкент шаҳри.

Қизим МАШКУРАОЙ!

Туғилган кунингиз муборак! Оллоҳ умрингизни узун, ризқингизни бутун қилсин. Олганингиз олтин бўлсин, ўғлим Муроджон билан кўша қаринглр.

Ойингиз ва дадангиз.

Бекобод, Стретинко қишлоғи.

Азиз набирамиз НИЛУФАРХОН!

Бағримиз дарёсида очилиб, умримиз осмонини нурафшон этганингга 6 йил бўлибди. Сен ота-онангнинг қувончисан, фахрисан. Бугун таваллуд кунинг билан чин қалбдан қутлар эканмиз, дунёдаги жами эзгу ниятлар ҳамроҳ бўлишини тилаймиз.

Бувинг ва буванг



Жажжи синглимиз НИЛУФАРХОН!

Сени туғилган кунинг билан табриклаб, дунёдаги жами яхши тилакларни тилаймиз. Бахтимизга ҳамиша соғ-омон бўлгин.

Шавкат поччанг, Шаҳло опанг

Хурматли НОРГУЛ!

Сизни 18 ноябр — таваллуд топган кунингиз билан чин қалбимдан табриклайман. Сизга узоқ-умр, сийхат-саломатлик, доимо шод ва қувноқ юришингизни Оллоҳдан сўрайман деб.

Дўстингиз Р.

Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани

МУҚАДДАС!

Туғилган кунинг муборак! Ижодингга Навоийнинг илҳами ҳаётингга Нодирабегим қамолини тилаб, САОДАТ.

Хурматли МУҲАББАТЖОН!

Биз сизни бутун оила аъзоларимиз номидан туғилган кунингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Жажжи Аслиддин, Ҳабибулло, онам ва барчангиз бахтимизга доимо соғу саломат бўлинглар. Ҳамиша юзингиздан қулғу, лабингиздан табассум аримасин. ДОНО, ФЕРУЗА, ҲАМИДУЛЛО, МЕҲРИДДИН



Ун икки бурж остида



(23 НОЯБРДАН 21 ДЕКАБРГАЧА)

УМУМИЙ ТАЪРИФ. Бу мучал соҳиблари одамшавандаликлари, дўстона муносабатлари, тўғрисиўзликлари билан бошқалардан ажралиб туришади. Улар сизни бирдан қаттиқ гапириб, бироз ранжитиб қўйишлари мумкин. Лекин аслида бегараз, кўнгиллари оқ, жуда ақлли, самимий бўладилар.

«Ёй»лар худди олти яшар боладек дили пок ва соддадил бўлади. Улар тиниб-тинчимайди, ҳайвонларни, спортни севишади, хавф-хатардан қўрқмайди. Доимо хурсанд бўлиб юради, ортиқча такаллуфни ёқтирмайди, қисин аҳволда қолганда ҳам бировга мадад тилаб ялинмайди. Нопокликда айбашларига чидай олмайди.

«Ёй»лар, айниқса, уларни инсофсизликда айбашганда тоқат қилишолмайди. Мабодо биров билан жанжаллашиб қолса, узр сўрашга ҳаракат қилади. Сафарни яхши кўради. Худди ёш болага ўхшаб ҳаёт қийинчиликлариға парво қилишмайди, лекин масъулиятни сезади.

Бу мучалда туғилганларнинг кўпинча жигари, оёғи ва қўллари касалликка учрайди. Спортда шикастлангудек бўлса ҳам касалхонада кўп ётмайди. Касаллиқни енгишга ҳаракат қилиб, тез орада соғайиб кетади.

«Ёй»лар эртага бугунгидан ҳам яхши бўлади, деб умид билан яшайди. Бирорта аёлга бир кўргандаёқ ошиқи беқарор бўлиб қолади, лекин дарров кўнгли совийди ҳам.

«Ёй»ларнинг нуқсони — ичкиликни яхши кўради. Сир сақлашни билмайдилар. Аммо ҳар қандай оғир вазиятдан осонлик билан чиқади. Хотираси ақл бовар қилмайдиган даражада яхши бўлади. Исмлар, кўнлар, рақамлар ва иккир-чикирларни жуда яхши эслаб қолади. Лекин палтосини қаерда қолдирганини эслай олмайди. Сахий қалб ва хушчақчақ. Доимо мақсадига эришади.

ЭРКАКЛАР. Бир хиллари босиқ, ўйлаб гапирадиган, ёқимтой, хушчақчақ, куч-ғайратли, мард бўладилар, аёлларга ёқади. Бошқалари олим, сиёсатчи, доно бўладилар. Улар ҳар доим ноҳақликлар билан курашиб яшайдилар. Хушчақчақ, одамохунлигига қарамай, ўйлаган нарсаларига эриша олмай маъюс юрадилар.

Эркак — «Ёй»нинг ғалати одатлари одамни таажжубга солади. У ҳаммага ишонади, соддадил бўлади. Хаёлпарастлиги ҳам бор. Имкон борица мақсадига эришишга ҳаракат қилади.

У ноҳақликни ёмон кўради, тақдир зарбаларидан дарров ўзига келади. У чин дилдан бегараз маслаҳат, танбех беради.

Айби, ўйламай иш қилиб қўяди, эътиборсизлиги ҳам бор. Худди камон ўқидек тўғри, ўйлаганини гапирди. У ўйланади, лекин эҳтиёт бўлиб муомала қилиб яшамасангиз, турмушингиз бузилиб кетиши ҳеч гап эмас. Тамоми чиройли аёлларга қараб тўймайди, лекин уни рашк қила кўрманг. Ўзига қўйиб қўйинг. Ортиқча саволлар берманг, ташлаб кетаман, деб қўрқитманг. Болажон, айниқса, болаалари каттароқ бўлганда парвона бўлади. Кўпроқ ўғилларига меҳри баланд бўлади. Сизни қанчалик койимасин, дилингизга озор бермасин, бир куни келиб, ҳаммадан ҳам сизни севишини айтади.

АЁЛЛАР. Бу мучалда туғилган бир гуруҳ аёллар ҳаракатчан, тўғрисиўз, спортчи бўлиб, оилавий ҳаётга жуда қийинчилик билан мослашадилар. Бошқалари гўзал, ақлли, назокатли, санъат шайдоси, китобсевар бўладилар. У дилингиздагини топиб гапирди.

Ўзининг ҳиссиётларини очикдан-очик айтавермайди. Иссиқ истараси, ширинсўзлиги билан махлиё қилади. Ҳеч қачон ёлғон гапирмайди. Тиниб-тинчимайди. Ҳимояга мухтож бўлади. Буйруққа тоқати йўқ. Дилидаги тилига чиқади. Рухан бирдан сизни севиб қолиб, ич-ичидан ўртанса ҳам, буни билдирмайди. Бировга ҳам ёрилмайди. Жуда ҳалол, покиза, саранжом-саришта, хуштаъм овқат, бежирим кийимларни, сафарни яхши кўради, пулга, давлатга хирс қўймайди. У виждонли, ҳалол эркакни яхши кўради. Фарзандларига жуда меҳрибон. Меҳмондўстликда уларга тенг келадигани бўлмайди. Қалби жуда нозик. Аёллик латофати доим мужассам бўлади. У эрига садоқатли бўлади, ишонади ва қаттиқ севади.

АБОНЕМЕНТНИ

ТУҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонementда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпелини босиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга пул тўланганлиги тўғрисида квитанция бериледи.

Рўзнома ва ойномага обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштиришганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан, шунингдек «Матбуот уюшмаси» жадвалидаги қоидаларга риоя қилиб тўлдириш.

Манзилгоҳ ўзгартирилганида, ойларнинг катакларини ва «ПВ—ЖОЙИ» катакларини алоқа бўлими ва «Матбуот уюшмаси» ишчилари тўлдиришади.

Б-715—15.000.000—91 г.

Киборлар ҳаётидан

МАЙКЛ ЖЕКсон ОТА БЎЛМОҚЧИ

Яқинда Англия матбуот органларининг бирида инглиз ҳамшираси Дебби Роулнинг интервьюси эълон қилинди. Унда таъкидланишича, бу ҳамшира Жексондан ҳомиладор эмиш. Ҳомила сунъий йул билан орттирилган экан.

34 ёшли Дебби билан Майкл Жексон 15 йилдан бери таниш эканлар. Поп юлдузининг илтимосига кўра Дебби сунъий равишда ундан ҳомила орттирган ва эвазига 500 минг доллар олган. Қўшиқчининг фарзанди янаги йилнинг феврал

ойида туғилиши кутилмоқда.

Деббининг айтишича, Жексон ўз фарзандининг туғилишини тоқатсизлик билан кутмоқда.

Инглиз аёлининг гапи тўғрига ўхшаб қолди. Телевидениеда ҳам Майкл Жексон ушбу аёлга ўйланар эмиш, деган хабарлар тарқалмоқда. Ҳа, ишқилиб ҳар бандага фарзанд кўриш насиб этсин.



Мижоз: — Э, лотереяга бор-йўғи 10.000 сўм чиқарганими?
Фолбин: — Унда яна юз сўм чиқаринг, ўргилай, ман сизго яна бир фол очиб, «Нексия» чигозай...

Муассисларимиз:

Ўзбекистон
Республикаси
Хотин-қизлар
кўмитаси, Болалар
жамғармаси ва
«Соғлом авлод
учун» Халқаро
хайрия
жамғармаси

БОШ МУҲАРРИР:
Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Газетамиз бoш ҳoмийси:
Ўзбекистон «Матбуот тарқатиш
уюшмаси» ассоциацияси

МАНЗИЛИМИЗ:

700083, Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй.

Телефон: 36-56-52, 34-86-91
Урол СОДИҚ
навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Руйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0655 21597 нусхада чоп
этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.